

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 24-noyabr, seshanba 63 (9100)-son

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАН АҲОЛИ ҚАНЧАЛИК ХАБАРДОР?

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази фаолияти ва унга юклатилган вазифалар, "Очиқ Адлия" тизими моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Қонунлардан ўз вақтида хабардор бўлиш бугун ҳар қачонгидан-да зарур. Шу билан бирга, уларга амал қилиш мажбурияти ҳам муҳим саналади. Қонунлар ишлагандагина уларнинг тарғиботидан маъно бўлади. Қонунга иттифоқликка қақриб турса, фуқаролар ўз кундалик ҳаётида бошқа манзарани кўрсатса, унда қонунга бўлган ишонч сўнади. Бугун ушбу қонун ҳужжатларидан аҳоли қанчалик хабардор? Тарғибот тадбирлари ўзини оқлаётими? Адлия вазирлиги бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни таҳлилий ўрганиб чиқди.

Таҳлил натижалари, биринчи навбатда, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслиги устида ишлаш зарурлигини кўрсатди. Чунки миллионлаб аҳолининг ўз ҳуқуқларини билишини ортдан қувишдан кўра, давлат органларида қонунийликни таъминлаган афзалроқ. Давлат органлари ва хизматчилари ўз вазифаларини тўғри бажариши, фуқаролар ҳуқуқларини поймол қилмасликка керак.

Яна бир муаммо, ноқонуний қарорлар қабул қилиш амалиётининг мавжудлигидир. Бу ҳолат маҳаллий дав-

лат ҳокимияти органлари фаолиятида кўпроқ кузатилади.

Шунингдек, аксарият вазирлик ва идоралар ўзларига тегишли қонун ҳужжатларини аҳолига тўғри тушунтириш масаласига иккинчи даражали иш сифатида қараб келмоқда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатишда, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг, журналист ва блогерларнинг роли бениҳоя катта. Бироқ айрим ҳолларда талқин қилинишидаги ноаниқлик оқибатида жамоатчилик фикри чалғиши аҳолининг давлат органларига ишончсизлигига олиб келиши мумкин.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини, уларнинг қонунга иттифоқлигини янада ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Ҳуқуқий ахборот тарқатишни кучайтириш мақсадида Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этилди. Мазкур қарор асосида марказга ҳуқуқий ахборотларни тарқатиш, тарғибот йўналишида креатив гоялар асосида, замонавий

стандартларни қўллаган ҳолда, ўзгача ёндашувлардан фойдаланиш каби муҳим вазифалар юкланди.

Ишсиз аёллар ва ёшлар, камбағалликка қарши кураш, ногиронлар, мигрантлар ва бошқа ижтимоий қатламларни қамраб олишга эътибор кучайтирилмоқда. Аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида "Гендер-мадад" ҳуқуқий маслаҳат портали ишлаб чиқилди. "Шу ерда ва ҳозирроқ" тамойили асосида фуқароларга барча долзарб ва зарур ҳуқуқий маълумотларни тақдим қилувчи янгиланган e-maslahat.uz интерактив ҳуқуқий порталини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Пандемия вақтида ҳам улар учун долзарб ва кундалик ҳаётда кўп дуч келинадиган ҳолатлар бўйича вазирлик веб-сайтида 21 та йўналишни ўз ичига олувчи алоҳида "Сураган эдингиз" бўлими очилди. Фуқароларга масофадан туриб саволларига жавоб олиш имкониятини яратадиган телеграм мессенжерда @huquqiy_maslahatbot, @notariusmaslahatbot, @davxizmatloqa_bot каби телеграм ботлари ишга туширилди.

Шунингдек, барча аҳоли қатламла-

рини бепул ҳуқуқий маслаҳат билан таъминлашни назарда тутувчи 5 та ҳуқуқий портал (advice.uz – e-maslahat.uz, Миллий ҳуқуқий интернет портали, bolahuquqlari.uz, test.adliya.uz, hudud24.uz) ҳамда тадбиркорлар учун бепул ҳуқуқий маълумот ва маслаҳат оладиган "Advice for business" юридик портали ҳам ишга туширилди.

Шу билан бирга, исталган вақтда ҳуқуқий маълумот билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон қонун ҳужжатлари миллий базаси – "LexUZ" фаолияти ҳам янада такомиллаштирилди. Бир кунда Lex.uz сайтидан 45 минггача одам фойдаланмоқда.

"Мадад" нодавлат ташкилоти ва унинг ҳудудий бюрослари томонидан 12 мингга яқин саволга, "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали орқали 60 мингдан ортиқ саволларга онлайн режимда жавоб берилган. Сайёр ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилиб, вазирлик раҳбарияти томонидан бевосита ҳудудларда ўтказилган 40 дан ортиқ сайёр қабуллар жараёнида жами 3 минг 799 нафар жисмоний ва юридик шахс қабул қилинган.

Вазирлик томонидан имконияти чекланган, кўзи ожиз шахсларга ўз ҳуқуқларини тушунтиришга қўмаклашиш мақсадида грант маблағларини жалб қилган ҳолда кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид 2 томдан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами брайл алифбосида 2 минг ададда нашр этилди ва у кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид 29 та қонун ҳужжатларидаги нормаларни ўз ичига олган.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида навбатдаги меморандум имзоланди

АИР ҳукумати делегациясининг Тошкентга ташрифи чоғида Афғонистон Олий таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида афғон талабаларини Ўзбекистонга таълим олиш учун юбориш тўғрисида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди.

Маросимда Бош вазир ўринбосари Сардор Умурзоқов ва АИР Президенти Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргар иштирок этди.

Имзоланган Меморандумда икки мамлакат олий ўқув юртлиги ўртасида ўқув материаллари алмашиш, таълим тадбирларида мутахассисларнинг ўзаро иштирокини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларида ҳамкорлик қилиш ва илмий журналларда нашр ва мақолаларни биргаликда тайёрлаш шартлари, тартиби белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, таълим соҳасида ҳамкорлик, жумладан, олий таълим муассасалари ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш бўйича келишувга ҳукуматимиз делегациясининг Афғонистонга октябрь ойида амалга оширилган ташрифи чоғида эришилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилояти Термиз туманида Афғонистон фуқароларини ўқитиш маркази фаолият юритмоқда. 2018-2019 ўқув йили давомида марказда 96 талаба "Ўзбек тили ва адабиёти" йўналиши бўйича таҳсил олиб, уларнинг барчаси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бакалаври даражасига эга бўлди.

Ҳозирги кунда марказда 172 нафар, жумладан, "Ўзбек тили ва адабиёти" йўналиши бўйича 119, "Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси" йўналиши бўйича 35, "Акушерлик, гинекология ва ҳамширалик иши" йўналиши бўйича 18 талаба таҳсил олмақда.

Бундан ташқари, шу йилнинг декабрь ойида афғонистонлик ёшлардан 10 нафари Европа Иттифоқи молиявий кўмаги асосида қишлоқ хўжалиги йўналишида таҳсил олиш учун юртимизга келиши режалаштирилган.

ЎЗА

Сурхондарё вилояти

Шеробода анорчилик кластери ташкил этилади

Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ўзининг шириндан-шакар анорлари билан машҳур.

Бу ерда етиштириладиган анорларнинг доврўғини билмайдиغان, эшитмаган одам бўлмаса керак!



Шеробод анорлари нафақат ички бозорларда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳурдир. Айни пайтда туманда куз неъматининг кўллаб турлари парвариланяпти. Қувонарлиси, етиштирилган ҳосилнинг ички эҳтиёждан ортган қисми хорижда ҳам экспорт қилинаётир.

Айтиш жоизки, бугун ҳудудда анор етиштириш, саралаш ва қайта ишлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Хусусан, "Шеробод анор импекс" масъулияти чекланган жамияти ҳам айни шу ниятда фаолият олиб борапти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу жамиятда бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Жамият раҳбари Дилшодбек Қамбаровнинг айтишича, ҳозирда корхона 82 гектар ер майдонда анорзор ташкил этиб, уларни парвариллаб келмоқда. Шунингдек, корхонага Корея давлатидан анорни калибрлаш мақсадида махсус ускуна ҳам олиб келинган бўлиб, унинг ёрдамида экспортбоп анорларни аниқлаш ва қадоқлаш мумкин.

– Ушбу ускуна аҳоли томорқалари ва фермерлар билан кооперация алоқалари асосида туманда етиштириладиган анорни экспортга тайёрлайди, – дейди Д.Қамбаров. – Энг муҳими, бир ойда 2 минг тонна анорни калибрлаш қилиб, замонавий услубда яроқчилигини текширади.

Учрашув давомида корхона раҳбари анор шарбатини ҳам тайёрлашни йўлга қўймоқчи эканини, бунинг учун Словениядан ускуна олиб келишни режалаштираётганини билдирди. Қолаверса, яна 500 гектар ер олиб, анорчилик кластерини йўлга қўймоқчилигини айтиб, етиштирилган маҳсулотларни Россия ва Болтиқ бўйи давлатларига экспорт қилиш ниятида юрганини маълум қилди.

Сухбат ва мулоқотлар чоғида А.Ҳайтов мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаб, бундай анорзорларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам етиштириш, кўчатчиликни кенгайтириш, экспортбоп анор навларини ўзлаштириш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берди.

Учрашув якунида тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш учун Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан молиявий ресурслар ажратиладиган бўлди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши
Матбуот хизмати.

Бухоро вилояти

Ҳар бир мурожаат ижроси назоратга олинди

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ботир Зарипов Олот туманида оммавий сайёр қабул ўтказди.

Вилоят раҳбари томонидан сайёр қабулда нафақат Олот тумани, балки унга ёндаш туманлар, вилоятнинг бошқа ҳудудлари аҳолисининг турли соҳаларга оид муаммолари, талаб ва таклифлари эшитилди.

Қабулда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, адолатли қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Уй-жой қуриш учун ер ажратиш, моддий ёрдам, пенсия, болалар нафақаси, ишга жойлашиш, банк-мо-

лия, солиққа тортиш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотидаги узилтишлар, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, йўлларни таъмирлаш, таълим соҳасидаги муаммолар, тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан 126 нафар фуқаронинг 300 га яқин мурожаати секторлар раҳбарлари, вилоят корхона ва ташкилотлари мутасаддилари иштирокида бирма-бир муҳокама қилинди. Фуқароларнинг 47 нафарини шахсан вилоят ҳокимининг ўзи қабул қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах вилояти

"Jizzax Organic"нинг дадил одимлари

Ўзбекистоннинг энг йирик қишлоқ хўжалиги кластери бўлган "Jizzax Organic" ҳудуди бўйлаб саёҳатни бош чорвадор Родни Дж. Гилфорд олиб борди. Жорий йилнинг октябр ойи якунида Зомин туманида фаолият кўрсатаётган "Jizzax Organic" инвестицияларининг умумий ҳажми 62 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бунинг натижасида 850 дан ортиқ маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланди.

Дастлаб журналистлар учун корхона штабида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда "Jizzax Organic" раҳбарияти ва вилоят ҳокимлиги вакиллари томонидан лойиҳа ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Оқсув ва Кўксув сойлари
дилингизга хузур бағишлайди.

А 2 сутининг
афзаллиги нимада?

Фаргона вилояти

Азиз қадамжо, мардлар шоҳи – Шоҳимардон

Шоҳимардоннинг ўзига хос оҳанрабо, таровати бор. Боришни ният қилган дақиқадан бошлаб бор вужудингиз шу масканга талпинаверади.

Пурвиқор тоғлари, сўлим табиати, зилол сойлари, тоза ҳавоси ҳар қандай кишини мафтун этади. Ҳазрат Али зиёратгоҳи эса руҳингиз таскин топиб, маънан қувват оласиз. Ҳа, бу шундай шукхули маскан.

Фаргона вилоятининг Сўх тумани Фаргона туманидаги Шоҳимардон, Ёрдон ва Риштон туманидаги Чўнғара қишлоғи анклав ҳудудда жойлашган. Шундай бўлса-да, бу жойларга ҳукуматимиз томонидан доимо катта эътибор қаратилади. Айниқса, Шоҳимардон сайёҳлик масканига айланб, янада чирой очмоқда. Пандемия шароитида бу йил мазкур ҳудудга юртдошларимиз жуда кам боришди. Бироқ янги дам олиш масканларини бунёд этиш, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларини ташкил қилиш ишлари давом этмоқда. Биз бу ерда бўлиб, шоҳимардонликлар ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Уларнинг меҳмондўстлигига қойил қоласиз. Уйга келган кишига борини тўкиб солади. Бугдой ундан пиширилиб, тандирдан қайноқ узилган нонинг таъми янада ёқимли. Дастурхон қатлама, дўлта, қаймоқ, асал каби неъматлар билан безатилган.

– Маҳалламизда қарийб тўрт



минга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди “Шоҳимардон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухалиқов. – Ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлиги томонидан доимо кўмак кўрсатиб келинмоқда. Халқимизнинг асосий тирикчилиги томорқасидан. Картошка экади, олма, нок етиштирилади. Шунингдек, чорвачилик ривожланган. Ҳозирда 26 нафар фуқарога чорва учун кредит берилди. Бу йилги пандемия қишлоғимизга ҳам таъсирини ўтказмай қолмади, дам олувчилар деярли келмади. Албатта, бу кунлар ўтиб, қайноқ ҳаёт қайтади.

Шоҳимардонда бугунги кунда шифохона ва қишлоқ оилавий

поликлиникаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу муассасалар зарур жиҳозлар билан таъминланб, барча шароит яратилган. Вилоят пульмонология шифохонасида ҳар йили тўрт мингдан ортиқ киши соғлигини тиклайди. Айни кунларда бу ерда қўшимча бино қад ростламоқда. Ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Беҳзоджон Раҳмонов оилавий қорхона ташкил этган. У яқинда замонавий савдо мажмуасини бунёд этди.

Қишлоққа келган киши “Ҳазрат Али” мақбарасини зиёрат қилади. Шу боис бу маскан доимо одамлар билан гавжум. Мазкур қадамжо ҳақида халқ орасида

турли ривоят ва афсоналар бор. “Шоҳимардон” атамасининг келиб чиқиши ҳам мардлар шоҳи, тўртинчи халифа – Ҳазрати Али билан боғлиқ.

Афсуски, зиёратгоҳ ёнида жойлашган музей анча таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Бир пайтлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи бўлган бу жой ҳозирда табиат музейи сифати фаолият кўрсатиб келмоқда. Томидан чакки ўтиб, экспонатларга шикаст етмапти. Ваҳоланки, бу бино ЮНЕСКО томонидан шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан мухташам қилиб қўрилган, юртимиз мозийсидан сўзловчи даргоҳдир. Айни пайтда у мутасаддилар ёрдами, эътиборига муҳтож.

Бир неча йил аввал шоҳимардонлик ноёб истеъдод эгаси, уч яшар Афиҷаҳон Маъмиржоннова ҳақида ёзганим. Бу жажжи қизалоқ харитадан 183 та давлатни кўрсатиб лол қолдирган эди. Унинг тақдири билан қизиқиб, яна дейдорлашдик.

Бу ерда яшовчи аҳоли илгари мобил алоқа хизмати сифати таъминланган эди. Замонавий қабул ҳамда узатиш антенналари ўрнатилган, шоҳимардонлик ва ёрдонликлар ҳам юртимизнинг бошқа ҳудудларида

яшовчи яқинлари билан бемаълум сўзлаша бошлади. Яқингача “Ўзбекистон” телеканалдан бошқа каналлар, айниқса, рақамли телевидение кўрсатувларини томоша қилиб бўлмас эди. Мутахассислар томонидан ўрнатилган тўлқинни сунъий йўлдошдан қабул қилувчи махсус ускуналар рақамли телевидение кўрсатувларини томоша қилиш имконини яратди.

Маҳаллий аҳоли Шаланг, Хужан ва Қизил тоғ деб атайдиган тоғларга боқиб, ҳавосидан тўйиб нафас олиш жуда мароқли. Айниқса, дилкаш одамлари билан суҳбатлашининг гашти бўлакча. Пурвиқор тоғлар, мусаффо ва кенг жойларда яшовчиларнинг феъли ҳам кенг бўлади. Сирож ота Кенгашев 89 ёшда бўлишига қарамай, тетик ва бардам. У кишининг гурунгиға қишлоқдошлари ҳам ошиқ. Шу боис Ёрдон қишлоғидаги мўъжазгина “Оталар чойхонаси” уларнинг доимий маскани бўлиб қолган. Оташонни биз ҳам шу ерда учратдик.

– Одамларимиз меҳнатқаш, – дейди Сирож ота. – Яйловда мол, қўй боқди, томорқасида иш билан банд. Ҳозир қирқ йилдан ортиқ сут заводида ишлайдим. Ҳозир нафақаданман. Мана шу тоғларда оёғим тегмаган жой қолмаган. Пиёда юришнинг фойдаси катта экан. Шундай кунларга етказганига шукр.

Тўрт тарафи тоғлардан иборат мафтункор бу қишлоқнинг Оқсув ва Кўксув сойлари дилингизга хузур бағишлайди. Руҳингиз ором олиб, бутун борлиқ сизни ўзига мафтун қилиб қўяди. Яхшиси, Шоҳимардонга бир келинг!

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Ҳар бир мурожаат ижроси назоратга олинди

(Боши 1-саҳифада)

– Вилоят раҳбарига маҳалла аҳолиси номидан 3 та масала юзасидан мурожаат қилдим, – дейди тумандаги “Буржоқ” маҳалла фуқаролар йиғини Буржоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Сайфулло Қурбонов.

– Бу ҳудуддаги 2 километр йўлни асфальт қилиш, 2 сменада ўқини олиб бораётган мактаб ўқувчилари учун қўшимча бино қуриш ҳамда ҳудудимизда умуман мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, келажак авлод учун муассаса ташкил этишидир. Раҳбаримиз ҳар бир масалага алоҳида ёндашиб, мутахассислар билан келишган ҳолда муҳокамаларни олиб борди. Натижада унда масала ҳам ўзининг ижобий ечимини топди.

– Қўп тармоқли фермер ҳўжалигимизни янада кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит олишни мақсад қилган эдик, – дейди Шофиркон туманидаги “Руслан Султон чамани” фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Хусен Саломов. – Мурожаатимиз вилоят раҳбари томонидан нazorатга олинди. Тез кунларда ечимини топиш бўйича тақлифлар берилиши маълум қилинди. Фермер ҳўжалигимизда чорва, баллиқ, пахта, галла етиштирилади. Украинадан насли молларни олиб келиш бўйича ишларни бошлаганмиз. Агар имтиёзли кредит олишда кўмаклашилса, яна янги иш ўрни яратиб, қишлоқ ёшларини бандлигини таъминлаймиз.

Вилоят раҳбари томонидан муддат талаб этиладиган масалаларни тегишли тартибда бартараф этиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди. Ҳар бир мурожаатнинг ижроси вилоят ҳокимлиги томонидан нazorатга олинди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА муҳбири.

“Jizzax Organic”нинг дадил одимлари

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, вилоят ҳокими ўринбосари Азим Аҳмадхўжаев пресс турда ташкил этилган матбуот анжуманида сўзга чиқиб, “Бугун сиз ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва соат каби ишлайдиган улкан ишлаб чиқариш қорхонаси ҳаёти ҳақида кўп нарсаларни билиб оласиз. Ушбу кластер нафақат чорвачилик соҳаси, балки ўсимликларни етиштириш, шунингдек, селекция ва генетик ишларни ҳам ўз ичига олади. Вилоятимизда татбиқ этилган бутунлай ўзига хос янгиликлар, замонавий наслчилик технологиялари албатта, барчада катта таассурот қолдиради”, – деди.



Алмашлаб экиш – ЭСКИ, АММО ИШОНЧЛИ УСУЛ

Вилоят ҳокимлиги озуқа базасини яратиш учун кластерга 10,7 минг гектар ер ажратди, ундан 5,6 минг гектарига жорий йилнинг ўзидаёқ экин экилди.

– Охириги 30 йил мобайнида фойдаланилмаган ерларнинг унумдорлигини тиклаш бўйича доимий иш олиб бормоқдамиз, – дейди “Jizzax Organic” бош агрономи Рустам Асанов. – Бунинг учун органик ўғитлар, алмашлаб экиш ва немисларнинг илғор қишлоқ ҳўжалиги техникаси қўлланилади. Жорий йилда кластеримиз 1,5 минг гектар ерни алмашлаб экишга қайтарди, кейинги йилда яна 4,5 минг гектар ерда озубоқ экинларни алмашлаб экиш йўлга қўйилади. Подани тўйимли ва мувозанатлаштирилган озуқа билан таъминлаш учун далаларга 5 хил экин – бугдой, арпа, маккажўхори, беда ва яйлов ўтлари экилади, ернинг бонитетини ошириш учун улар мош, соя ва кунгабоқар билан алмашлаб экилади.


Ҳозирги кунда қорхонанинг қишлоқ ҳўжалик техникаси парки 164 та техника воситаларидан иборат бўлиб, уларнинг умумий қиймати 10 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Тупроққа имкон қадар камроқ таъсир қилиши учун техниканинг битта ўтишида бир нечта жараён бажарилади, шунингдек, ўғитларни режа асосида манзилли солиш ва ерга унча чуқур бўлмаган ишлов бериш амалиёти қўлланилади.

А 2 СУТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Сут фермасида амалга оширилаётган лойиҳа билан Италиянинг “Rota Guido Sri” компанияси шуғулланиди. Комплекс сут блоқи, сигирлар ва бузоқлар учун алоҳида молхоналар, туққан сигирлар учун бокслар, карантин ҳудудлари, озуқа омборлари, сайр майдончалари ва гўнгни моллар тағига солиш учун сепарациялаш мажмуасини ўз ичига олади. Сигирлар учун молхонада озуқа столлари, иситиладиган ва артезиан сувини узатадиган механизмли суғоригичлар, иқлим назорати тизими, иқлим шароитларидан ҳимоялаш учун пардалар ва гўнгни автоматик тарзда чиқариб ташлаш тизими ўрнатилган.

– Қулай микроклимат кавш қайтарадиган моллар учун муҳим аҳамиятга эга. Сигирлар тўғри боқилганида уларнинг кам ухлаши ва кўп сут бериши илмий жиҳатдан исботланган. Ёруғ куннинг энг узоқ давомийлиги 16 соатни ташкил этади. Қишда ёритишнинг зарурий даражаси инновацион ёруғлик асбоблари ёрдамида яратилади. Шунингдек, молларнинг иштаҳаси яхши бўлиши учун бинода маълум ҳароратни сақлаб туриш зарур, чунки совуқ ҳаво каби, иссиқ ҳаво ҳам соғиб олинмаган сут миқдорининг пасайишига олиб келади. Сигирлар боқиладиган жойда ҳарорат 10 даражадан пасайиб ёки 32 даражадан ошиб кетмаслиги керак, – дейди “Jizzax Organic” бош қорвадори Родни Дж. Гилфорд.

2022 йилда Европадан кунига 30 литргача сут берадиган Голштин-фриз зотиға мансуб сигирлар импорт қилади. Кластер ўзининг юқори даражада ўзлаштирилиши ва аллергик таъсирлар хавфининг пастлиги билан ажралиб турадиган А 2 сутининг биринчи ишлаб чиқарувчиларидан бўлади. Сут ишлаб чиқариш унумдорлигини йилига 35 минг тоннагача етказиш мақсад қилиб олинган. Айни пайтда сут фермасини қуриш ишлари олиб борилмоқда.



МАРМАР ГЎШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Бугунги кунда “Jizzax Organic”нинг гўшт учун мўлжалланган поддалари сони деярли 5 минг бошга яқин бўлиб, улар Ангус ва Геррефорд зотларидан иборат. Кластернинг базасида мрамар гўшт ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичини йўлга қўяди. Бир йил олдин келтирилган 590 бош Ангус зотли сигирлардан 220 бош бузоқ олинди. Жорий йилнинг октябрь ойида эса Россия ва АҚШдан яна 4 минг бош гўнажин келтирилди. Сигирлар эмланиб, ультратовушли текширувдан ўтказилди ва кишки катта молхоналарда боғланмасдан боқилмоқда. Молхоналар юклаш-тушириш ҳудуди ва “Коралл” чорвачилик мажмуаси билан жиҳозланган.

– “Коралл” мажмуаси чорвачилик муоалаларини стрессиз ўтказиш учун мўлжалланган. У молларнинг тартибга солинган оқимини шакллантириш ва уларни ёши бўйича тоифаларга ажратиш имконини беради. Вакуум дастгоҳлар сигир ва буқаларни тортиш, кўриқдан ўтказиш ва эмлаш вақтида тўтиб туриш учун хизмат қилади. Меъёрдан оғишларни ўз вақтида аниқлаш, озиклантиришни тўғирлаш учун подадаги моллар вазнини ҳар ойда тортиб туриш ёки тўлиқ ветеринар кўриқдан ўтказиш талаб этилади, – дейди бош қорвадор Родни Дж. Гилфорд.

Ғунажинлар ёшиға қараб ажратилган бўлиб, уларга тасдиқланган рационларга мувофиқ, озуқа берилади. Молларнинг ёши ва нима учун мўлжалланганлигиға боғлиқ ҳолда озиклантиришнинг 50 дан ортиқ дастури ишлаб чиқилган.

Доннинг мазасини яхшилаш ва озуқалик даражасини ошириш учун унга экстрадерларда ишлов берилади. Ҳозир кластер мутахассислари бугун тегирмони ва гидропоника (донни тупроқсиз ўстириш) цехларини ишга тушириш устида ишламоқда. Бу озуканинг ўзлаштирилишини 98 фоизгача оширади. Экологик тоза, ингичка талапи мол гўштининг дастлабки босқичи “Saxovat” дўконларида шу йилнинг ўзида сотувга чиқарилиши кўзда тутилган.

ЁМҒИРЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ГЎШТ ТАННАРХИНИ ПАСАЙТИРАДИ

“Valley” Америка суғориш қурилмаларининг энг янги русумли авлодини ўрнатиш учун 20 км. магистрал қувурлар ўтказилди.

– Ёмғирлатиш қурилмалари сув сарфини камайтиради ва маҳсулот таннархиға бевосита таъсир қилади. Биз молларни боқишнинг эркин ўтлатиш концепциясини танладик, бу молларни сақлашни энг маъқул ва қулай усулдир. Молларнинг йил давомида очиқ ҳавода бўлиши иммунитетни кучайтиради ва подада юз бериши мумкин бўлган стресс ҳолатларини анча камайтиради. Майдонларга бир марта яйлов ўтларини экиб ва ёмғирлатиш қурилмаларини ўрнатиб, қурғоқчил бўлган ерларда ўз-ўзидан янгилиниб борадиган озуқа базасига эга бўламиз. Бундан ташқари, яйловда боқилаётган моллар ерларни ўғитлайди ҳам, бу эса ўсимликларнинг фаол ўсишиға ёрдам беради. Шу тариха йилнинг иссиқ вақтида озуқа учун сарф-харажат қилмаймиз, бу билан гўшт қийматини ҳам пасайтирамиз, – дейди “Jizzax Organic” бош гидротехниги Дмитрий Кликин.

Суғориш мажмуаси 600 гектар яйлов ва озуқа экинлари майдонини суғоради. Келгуси йилда яна 3,300 гектар ерда ёмғирлатиш ускуналари ўрнатилади.

ПАРҲЭЗ ҚЎЙ ГЎШТИ ЕТИШТИРИЛАДИ

Яқинда миллий кластер мамлакатимизға Австралиядан 2100 бош Дорпер зотли кўчқор ва қўйларини олиб келди. Улар озикланишда инжиқ эмас ва иссиқ, қуруқ иқлимға бардошли. Кўчқорларнинг кунлик вазн орттириши 700 граммгача этади, гўштининг эса ўзига хос ҳиди бўлмайди.

– Дорпер – Жанубий Африка зоти, лекин биз биринчи марта бу қўй зотини Жанубий Африка Республикасидан эмас, Австралиядан олиб келдик. Бу Жанубий Африкада йил фасллари алмашинуви йўқлиги билан боғлиқ бўлиб, молларда мослашиш қийин кечили мумкин эди. Қўйларимизнинг бир неча авлоди Австралияда яшаган, шу тўғайли улар шамоп, иссиқ ва ҳарорат ўзгаришларига ўрганган. Дорперларни парвартиш осон, жунини олиш шарт эмас ва ўсимликларнинг 400 дан ортиқ турини ейти, бу эса уларни боқиш харажатларини камайтиради ва якуний маҳсулотни арзонлаштиради. Бундан ташқари, бу зотта мансуб қўйларнинг 70 фоизи иккинчи туғишда иккитадан туғиши мумкин. Бу эса қисқа муддатларда подадаги қўйлар бошини кўпайтириш имконини беради, – дейди “Jizzax Organic” бош зоотехниги Сергей Баршников.

Кластер мутахассислари 2021 йилда зотдор қўйлар сонини 6 минг бошга етказиш йўлида изланиш олиб бормоқдалар.

Тургун ЎРОҚБОВ,
журналист.

Наманган вилояти

23 НОЯБРЬ – ВАТАНПАРВАР ТАШКИЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Соғлом муҳит, эътибор ва рағбат муваффақиятлар асосидир



Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти тизимида фаолият кўрсатаётган кенгашлар ҳақида гап кетгудек бўлса, Аҳмадjon Аълохўжаев раҳбарлик қилаётган Наманган вилояти кенгаши фаолияти алоҳида эътироф этилади. Албатта, бу бежизга эмас. Раҳбар салоҳияти, тизимда яратилган соғлом муҳит, фидойи соҳа ағаларига кўрсатилаётган эътибор, рағбат, жамоат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик наманганлик ватанпарварчилар қўлга киритаётган ютуқларнинг асоси бўлиб хизмат қилаётир. Бу ҳақда кенгаш раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Аҳмадjon Аълохўжаев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

сидан фойдаланган ҳолда тўлиқ талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилди. Ҳар бир ўргатувчи усталар махсус ҳимоя кийимлари, тиббий ниқоб, қўлқоп ҳамда антисептик воситалар билан таъминланди. Шунингдек, автотранспорт воситалари кунлик дезинфекция қилиниб, ўқувчилар ниқоб ва қўлқоп кийган ҳолда амалий машғулотларга жалб қилинмоқда.

Кенгаш тасарруфидаги Наманган шаҳар ўқув спорт техника клуби, шунингдек, Норин ва Учқўрғон тумани ўқув спорт техника клубларида кўшимча ўқув бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу каби ишлар давом эттирилиб, ҳозирда Янгиқўрғон тумани ўқув спорт техника клубида



кўшимча янги ўқув бино қуриш ишлари режалаштирилди.

Автомобил саройини автомобиллар билан бойитиш мақсадида яна 30 дона Дамас, Нексия-3, Спарк, Ласетти каби энгил ҳамда юк автомобиллари сотиб олинди.

Туман ва шаҳар ўқув спорт техника клублари ҳамда ўқув муассасалари қошида 58 та секциялар фаолият юритмоқда. Уларда 32 нафар мураббий 712 нафар ёшларга маҳорат сирларини ўргатмоқда. Ўтган давр мобайнида долзарб мавзуларда 300 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган ҳарбий, божхона ва ички ишлар ходимлари оиласи аъзолари ҳолидан хабар олинди, совғалар улашилди.

Мамлакатда спортнинг барча турларини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом тарбиялашда муҳим ишлар амалга

оширилмоқда. Бу борада кенгаш ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда ёзги олимпиада ўйинлари дастурига киритилган “Ҳаво милтиғидан ўқ отиш”, “Триатлон”, “Ёзги биатлон”, “Дуатлон”, “Моделсозлик”, “Ракета-модел”, “Авиамодел”, “Эркин учувчи авиамодел”, “Корд авиамодель”, “Радиоспорт”, “Картинг”, “Автоспорт”, “Автомобил”, “Автомобил ҳалқа пойгаси”, “Мотоспорт”, “Парашют”, “Ҳарбий амалий кўпкураш” спорт турлари бўйича тўғрақ ва секциялар фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Президентимизнинг жорий йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “2020 йилдан бошлаб, “Ватанпарвар” ташкилотининг таркибига кирувчи авторалли ва мотокросс спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш орқали спорт туризмни ривожлантириш” йўналиши белгилиб берилди. Ушбу Фармоннинг ижроси йўлида Учқўрғон тумани ўқув спорт техника клуби қошида халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган умумий узунлиги 1050 метр бўлган уч йўналишли замонавий картодром барпо этилди. Яқинда ушбу картодромда “Картинг пойгаси” бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 150 нафарга яқин спортчилар иштирок этди. Халқаро трасса ва мусобақанинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Шавкатjon Абдуразоқов, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош

Тасарруфимизда 12 та ўқув спорт техника клуби ва вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёшлар ва фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини синдириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, оммалаштириш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятига кўмаклашиш, болалар, ўсмирлар ва чақирувгача бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт ишларини ташкил этиш, ёшлар ва фуқароларни мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитиш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашда давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш кабилар олиб бораётган фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Қолаверса, шундай йўналишлар бўйича фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ҳам асосий йўналишларимиздан этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилаётир. Барча ўқув ва спорт ташкилотларимизнинг назарий, амалий ўқув хоналари замонавий кўринишда, Низом талаблари асосида, инновацион услубда тўлиқ жиҳозланган. Таълим олаётганларнинг уч ўлчамли анимация эффеклари ва видеоконтентга эга кўринишдаги электрон ўқув қўлланмалардан кенг фойдаланишлари учун барча ўқув хоналари интернет тармоғига уланган ҳамда худудларда WiFi зоналари ташкил қилинган.

Карантин вақтида ҳайдовчиликка номзодлар учун назарий дарс машғулоти онлайн тартибда, янги “E-AVTOMAKTAV” платформа-



Андижон вилояти

Бўстонлик Баҳодир

КИШЛОК МУЛҚДОРЛАРИ

Бугун Андижон вилояти далаларида ҳам ишлар қизгин. Қай гўшага борманг, барчасида қишлоқ ҳаётидаги жадал юмушларнинг гувоҳи бўласиз. Шу топда йўлингиз тушиб, Бўстон туманидаги Баҳодирjon Қодиров раҳбарлик қилиб келаётган “Ферузбек-Қодиров” номли кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюрсангиз, атрофнинг саранжом-саристалигини кўриб кўзингиз қувнайди, қалбингиз яйрайди. Бу ободончиликнинг сабабчиси ким экан-а, дейсиз, беихтиёр, худди мен каби чиройли манзарани кузатиб.

Қишлоқ мулкдори бўлган фермернинг бу сая-ҳаракатларига офарин дегим келади. Бундай яшнатувчанлик фазилати қалби зуғуликка тўла кишилардагина бўлади. Шу сабаб хўжалик раҳбари Баҳодирjon Қодиров изланиб ишлашнинг самарасини яхши билади. Тасарруфидаги 125 гектарлик дала майдонидан унумли фойдаланиш унинг олий мақсади. Яхши ниятлар билан йил бошида 52 гектар майдонни пахтага ажратган эди. Ўтган пахта йигим-терими мавсумида 220 тонна “оқ олтин” териб олиниб, фермер хўжалигининг давлатга пахта топшириш шартномавий режаси ошириб адо этилди. Ҳозирда 26 гектарга ғалланнинг “Васса” нави жойлаштирилган бўлиб, сентябрда сепилган бугдой бугун дуркун ривожланмоқда. Айти пайтда хўжалик ишчилари бугдой майсаларини ўз вақтида суғориш билан бирга, минерал ўғитлар билан озиклантиришга алоҳида эътибор қаратишган. Ғалла майдони атрофларини четан билан ўраб, маҳаллий ўғит ҳам жамғариб қўйишган.

Бугдой майсаларини минерал ўғитлар билан озиклантириш келгусида мўл ғалла етиштиришда аҳамиятлидир, – дейди Баҳодирjon Қодиров суҳбатимиз чоғида. – Уйлайманки, бу каби агротехник тадбирларимиз албатта ўзини оқлайди. Келажақда ғалладан мўл хосил йиғиб олишга ишончим комил.

Чиндан ҳам хўжаликда олиб борилаётган ишлар талайгина. Шу уринда хўжаликнинг чорвачилик тармоғини мисол қилиш мумкин. Бу ерда 197 бош наслдор қорамоллар кўпайтирилмоқда. Уларнинг 76 таси сиғир бўлиб, кунига 1000 литрغاча сут соғиб олинади. Чорвани узлуксиз ем, хашак билан таъминлаш мақсадида 10 гектарлик бездор ташкил этилган. Яратилган қулайликлар чорванинг ривожланиб, кўпайишига замин ҳозирламоқда. Пировардида чорвадан олинажак сут маҳсулотининг муҳим таянчи. Буни дилдан ҳис этган фермер доимо изланишда. Унинг бошчилигида хўжаликда меҳнаткашлар учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ошхона, сувчилар хонаси, дам олиш хонаси, меҳмонхона ишчилар иختиёрида. Уларга ҳар кун тушликда иссиқ овқат ташкил этилган. Яратилган қулай афзалликлардан руҳланган ишчилар Муродjon Рўзинов, Авазбек Боймирзаев, Ҳасанбой Низомов, Ғанишер Зайнобиддиновлар баҳамжихатликда ишлайдилар.

Ўз уринда хўжалик имкониятларидан оқилона фойдаланётган фермер Баҳодирjon Қодиров ишчи-меҳнаткашлардан қатъий тартиб интизомни талаб этади. Хўжаликда орттирилган тажрибаларни оммалаштиришга, бошқа фермер хўжаликлар билан ўзаро фикр алмашиб ишлашга ҳаракат қилади. Тумандаги “Сайёра фаввораси” хусусий корхонаси пахта тўқимачилик кластерининг молиявий масалалар бўйича директори сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Фермерлик тадбиркорлик ва ишлармонлик соҳалари билан бирлашиб, қишлоқ хўжалиги кластерига айланди ва ҳал этувчи кунга эга бўлди. Бу эса иқтисодий тизимнинг янада юксалишига хизмат қилмоқда, – дейди у.

Албатта, меҳнатга яраша рағбат ҳар доим ўз самарасини берган. Бу ушбу фермер хўжалиги фаолиятида ҳам ўз исботини топмоқда. Ҳозирда “Ферузбек-Қодиров” номли кўп тармоқли фермер хўжалигида яратувчанлик ва бунёдкорлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Шундай кўтаринки, жўшқин кайфият фермер хўжалигининг янада юксалишига, ривож топишига олиб келади. Истиқболда хўжалик тармоқларининг тобора кенгайишига шубҳа йўқ.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ суҳбатлашди.

Илҳомjon ТОЖИБОEV

Бошқаларда қолдиришингиз мумкин бўлган таассуротларингизни ҳеч қачон камситманг!

МУТОЛАА ЗАВҚИ

Уйимизда телефон пайдо бўлганда, мэн ҳали жуда кичкина эдим. Бунақа аппарат ҳали теваарак-атрофдаиларда ҳам йўқ эди. Деворга маҳкамланган ва пардоз берилган бу эски кутини жуда яхши эсламан. Унинг ялтироқ гўшагига етиш учун бўйим анча кичкиналик қиларди, аммо мэн онамнинг телефонда суҳбатлашишини мароқ билан тинглардим.

Кейинроқ бу ажойиб қурилманинг қаеридадир "Маълумот беринг, илтимос" номли одам утиришини кашф этдим. Ва наздимда, у билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. У ҳамманинг телефон рақамларидан тортиб, тўғри вақтга айтиб бера оларди.

Мазкур "банка ичидеги жин" билан илк мулоқотим онам қўшиниқига чиқиб кетганида юз берди. Ертуладаги асбоб-ускуналар дастгоҳи энди ўзимни оевитириб утирганимда бармоғимни болга билан уриб олдим. Оғриқ кучли эди, аммо йиллашдан ҳам бирон маъни кўрмадим, чунки барибир уйда менга ҳамдард бўлувчи ҳеч ким йўқ эди.

Мэн оғриқдан лўқиллаётган бармоғимни сўранча уй бўйлаб юра бошладим ва охири зина ёнига келдим.

Бирдан телефон ёдима тушди! Дарҳол катта хонадаги табуретка ёнига чопиб бордим ва уни судраб телефон турган жойга олиб келдим. Курсининг устига чиқиб, гўшагни жойидан чиқариб олдим ва қулоғимга тутдим. Сўнг шундоққина бошим устида турган ускуна микрофониға юзланиб, "Маълумот беринг, илтимос!" дедим. Туғманчи бир-икки босганимдан сўнг қулоғимга аёл кишининг ингичка ва тинч овози эшитилди:

"Сизни эштаман!"
– Бармоғимни уриб олдим... – йиллашувчи бўлиб арз қилдим мэн телефонға. Энди мени эштадиган кимдир борлигиданми, кўзимга ёш тушди. «Ойинг уйда эмасми?» деган савол эшитилди гўшақдан.

– Уйда ҳеч ким йўқ, ўзимман, – йиллашдим мэн.
"Қўлинг қонаяптими?"
– Йўқ – жавоб бердим яна. – Қўлимни болга билан уриб олдим, шунга оғриятти.

"Муҳонани оча оласанми?" – сўради у. Мэн она олишимни айтдим.
"Муздан озгина кўчириб ол-да, уни бармоғингга қўй", – деган овоз келди. Шундан сўнг мэн бу "танишим"га



ЭСКИ ТЕЛЕФОН

(Пол Виллард)

телефон қилиб, ҳамма нарса ҳақида сўрайдиган бўлдим. Бир сафар ундан география фанидан ердан беришини сўрадим ва у Филадельфия қаерда жойлашганини айтиб берди. Яна бир сафар математикадан уй ишини бажаришимга ерданлашди. Бир кун олдин хибондан топиб олган оласичқоним мева ва ёнгоқ ейиши мумкинлигини ҳам у айтди. Жажжи канарейкамиз Птии ўлиб қолганида, «Маълумот беринг, илтимос»га телефон қилиб, бу қушимиз ҳақидаги гамгин ҳижоамни сўзлаб бердим. У ҳижоамни эшитган, менга болаларни оевитиш учун катталар айтадиган оддий сўзлар билан таскин берди. Аммо мэн юланмадим ва ундан сўрадим:

– Нега шундай чиройли кўйлаб, барча хонадонларга қувонч бахш этувчи кушлар ўлиши билан қафас ичидеги бир тутам патга айланганлар керак?

Меннинг каттиқ изтироб чекаётганимни у сўзган бўлиши керак эди. Шундай бўлса-да, унинг осойишта овозини эшитдим:

"Пол, доим ёдинада бўлсин, кўйлаш мумкин бўлган бошқа оламлар ҳам бор".

Бу гапдан сўнг негадир ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Бошқа бир кун яна телефонни кўтардим:

– Маълумот беринг, илтимос!
"Эштаман!" – жавоб қилди таниш овоз.
– "Тузатиш" сўзини қандай талаффуз қиласиз? – сўрадим мэн.
Буларнинг барчаси Тинч океани шимол-ғарбидеги кичкинагина шаҳарчада бўлиб ўтаётган воқеалар

эди. Мэн тўққиз ёшга кирганимда, биз мамлакатдаги бошқа шаҳар – Бостонга кўчиб ўтдик. Эски қадрдонимни жуда соғинардим. Негадир "Маълумот беринг, илтимос" дегенчи овоз соҳибаси жойлашган олдинги уйимиздаги ёгон кутини кейинги хонадонимиздаги столдан жой олган баланд, ялтироқ янги телефонға сира ўхшашта олмасдим. Усмирлик чоғимда ҳам болаларимдан ёрқин хотира бўлиб қолган бу суҳбатлар ёди мени асло тарк этмади. Шубҳали ва қийин вазиятларда айни шу кўнгируқлар туфайли энди ўзимни хавфсиз ҳис эштаётганимни сўзлардим. Кичкинагина бир болани тинглаш бобида бу аёл қанчалар сабрли, тушунувчан ва меҳрибон бўла олганини ҳозир жуда яхши англайман ва унинг қаноатига таҳсинлар айтаман.

Бир неча йил ўтиб, ғарбдаги коллежга кетаётганимда, мэн учаетган самолёт йўл-йўлакай Сизтлда қўниб, у ердан бошқа рейсга алмашадиган бўлдим. Кейинги самолётга ўтиргунимча бир ярим соат вақтим бор эди. Мэн ўн беш дақиқа вақтимни айни пайтда шу шаҳарда яшаватган олам билан суҳбатлашиб ўтказдим. Кейин эса нима қилаётганимни ўйлаб ҳам ўтирмай, она шаҳримдаги оператор рақамини тердим ва "Маълумот беринг, илтимос!" дея мурожаат қилдим. Бу не мўъжизаки, мэн ўзим жуда яхши биладиган ўша аёлнинг ингичка ва тинч овозини эшитдим! Бу суҳбат ҳақида ўйламаганим, аммо тилимга ўзим ҳам кутмаган ҳолда шу сўзлар келди: "Илтимос, мэнга "тузатиш" сўзи қандай талаффуз қилинишини

айта оласизми?"

Гўшақдан бир муддат овоз эшитилмади. Кейин эса мулоим оҳангдаги жавоб янгради: "Тахминимча, шу вақтгача бармоғинг тузалиб кетган бўлиши керак..."

Мэн қулдим.
– Шундай қилиб, бу ҳалиям аниқ сиз эканлигингизни билдим! – дедим сўнг.
– Қизиқ, мэн учун гапларингиз қанчалар аҳамиятли бўлганини ҳеч хаёлингизга келтирганмисиз?

"Қизиқ, – деди у ҳам, – сэн ҳам кўнгируқларинг мэн учун қанчалар аҳамиятли бўлганини билганмикансан? Мэн умуман фарзанд кўрмаганман, шу сабабми, кўнгируқларингизни кутиб яшайдан бахтиёр эдим".

Мэн ўтган йиллар давомида уни тез-тез эслаганимни айтдим ва оламниқига келганимда яна телефон қилишга рухсат сўрадим. "Албатта, кўнгируқ қилаёвер, – деди у, – Сэлли деб сўрасанг, кифон".

Уч ойдан сўнг Сизтлга қайтдим. Аммо бу сафар операторга кўнгируқ қилганимда, бошқа овоз жавоб берди. Мэн Сэллин сўрадим:

"Унинг дўстимисиз?" – сўради маълумот берувчи аёл.

"Ҳа, жуда қадрдон дўстиман", – жавоб қилдим мэн.

"Сизга буни айтишдан қаттиқ афсусдаман, – деди аёл, – охириги йилларда у тўлиқсиз иш қунида ишлаётган-ди, чунки касал эди. Беш ҳафта олдин у вафот этди..."

Гўшақни қўяётганимда суҳбатдошим сўраб қолди: "Бир дақиқа, сизнинг исмингиз Полми?"

"Ҳа".

"Яхши, унда сизга Сэлли хабар қолдириб кетган. У телефон қилиб қолишингиз мумкинлигини ўйлаб шундай қилганди. Бу хабарни сизга ўқиб беришимга рухсат берсангиз. Бу ерда шундай ёзилган: "Унга айтингни, мэн ҳалиям кўйлаш учун бошқа оламлар бор, дейман. У нима демоқчилигини ўзи билиб олади".

Мэн аёлга раҳмат айтиб, гўшақни жойига қўйдим. Ҳа, Сэлли нима демоқчи бўлганини тушунганим. Бошқаларда қолдиришингиз мумкин бўлган таассуротларингизни ҳеч қачон камситманг. Бу билан сиздан шуну сўрамоқчиманки, инсон бошқа кимнингдир ҳаётида қанча ўзгартирилган қила олиши мумкинлиги ёдингизда турсин!

Инглиз тилидан
Муҳаббат Шарифова таржимаси.

БУ ҚИЗИҚ!

ТАСОДИФАН КАШФ ЭТИЛГАН ИХТИРОЛАР

МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧ

Машҳур тадқиқотчи Перси Спенсер ихтиро учун 120 дан ортқ патент олган, дунёдаги ҳарбий саноат комплексининг энг йирик компанияларидан бири "Raytheon" ходими тасодифан микротўлқинни яратувчиси бўлди. 1945 йилда, Иккинчи Жаҳон уруши тугашидан сал олдин, у радарлар сифатини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар олиб борди.

Синов пайтида Спенсер ишлайдиган эмитент олдида стол устида турган шоколад эриганлигини аниқлади. Бир қатор тажрибалардан сўнг биринчи 400 килограммик микротўлқинли печ яратилди. Шундан кейин ундан овқатни тезда иситиш керак бўлган ресторан, самолёт ва кемаларда фойдаланиш оммавийлашди.

СУПЕРМАРКЕТ АРАВАЧАСИ



Савдогар Свон Голдман 1936 йилда биринчи харид қилиш саватини ихтиро қилди. Голдман Оклахома-Сити шаҳридаги йирик озиқ-овқат дўконининг эгаси эди. Бир кун у мижозлар баъзи товарларни кўтариб юриш учун нуқулай бўлганлиги сабабли харид қилмаётганлигини пайқайди. Топилма тасодифан яралди. Голдман бир мижознинг ўғли арқонга ўралган уйинчоқ машинасига оғир сумкани қўйиб судраганига гувоҳ бўлди.

Шундан сўнг, савдогар дастлаб кичик гилдиракларни оддий саватга улаб қўйди, кейин эса механикларни жалб қилган ҳолда замонавий араваининг прототипини яратди. Ушбу қурилманинг оммавий ишлаб чиқарилиши 1947 йилда бошланган. Аравача ихтироси янги дўкон тури – супермаркетни яратишга имкон берди.

РЕЗИНКА

1844 йилда ихтирочи Чарлз Гудийр (Гоодепар) тасодифан иссиқда бўшашиб кетмайдиган, аёзда эса қотиб қолмайдиган резина тайёрлаш усулини кашф қилди. Бу технологияга Гудийрнинг вулканизацияси номи берилди. Уша пайт ишлатиш жуда қийин бўлган материал сифатини ошириш мақсадида роса уринган Гудийр кунларнинг бирида каучук ва қалайни ошхона печкасида қиздириб, аралаштирди ва резина моддаси ҳосил бўлди. Резинани исталган шаклга киритиш йўлининг кашф этилиши электроника саноатининг ривожига улкан инқилоб ясаган. Чунки бу модда ток ўтказмайдиган жуда қулай восита бўлиб, электр симларининг ҳаммаси резина билан ўралади. Гудийрнинг кашфиёти замонавий автомобилнинг дунёга келишига ҳам имконият берди.

ДИНАМИТ



Альфред Нобель нитроглицерин моддасининг кучини пасайтириш учун унинг устида тажриба бошлади. Шунда у эҳтиётсизлик қилиб тайёр бўлган қоршманни ерга, анироғи, тахта устига тўкиб юборди. Тахтага тушган томчилар ёниб кетмади. Шундан кейин Нобель нитроглицеринни барқарорлаштириш учун унинг янги формуласини ишлаб чиқарди. Бу эса динамитнинг яралиши билан ўз нихоёсига етади.

МУҲИМ ЭСЛАТМАЛАР УЧУН ҚОҒОЗ (POST-IT NOTES)

Ёпишқоқ қоғозлар елимнинг чидамлигини ошириш бўйича муваффақиятсиз тажриба натижасида пайдо бўлган. 1968 йилда "3М" илмий-тадқиқот лабораторияси ходими ёпишқоқ ленталар (скотч) сифатини яхшилашга ҳаракат қилган. Уринишлар орқали фақатгина жисм сиртига сингмайдиган ва ёпишқоқ лента ишлаб чиқариш учун мутлақо яроқсиз бўлган зич елим ҳосил бўлган. Тадқиқотчи янги турдаги елимдан қандай фойдаланишни билмас эди. Тўрт йилдан сўнг, бўш вақтларида черков хорида кўшиқ куйлаган ҳаммаси, Забур китобидаги хатчўплар ҳар доим йўқ бўлиб кетаётганидан ғазабланиди. Бунга гувоҳ бўлган у китоб саҳифаларига зарар бермасдан ёпиштириладиган елимни эслайди. Шу тариқа 1980 йилда Post-it Notes биринчи марта омма эътиборига намоийш этилди.


Интернет материаллари асосида Маркс ЮСУПОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzstx@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидеги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадҷон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАМИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1125, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
1 970 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.30